

O'ZBEKISTON OVOZI



IJTIMOIIY-
SIYOSIY
GAZETA

2006-yil 28-sentabr Payshanba 115 (27.607) www.uzbekistonovozi.uz 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

1 OKTYABRЬ — Ўқитувчилар ва мураббийлар кун



ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МАСКАНИ

Ўз-ўзини эл ишига багишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, муътабар муаллимларни бундан бун ҳам бошимизга кўтарамиз.

Ислом КАРИМОВ

Яқинда қариндошларимдан бирини Мустақиллик байрами билан табриклаш; шу баҳона унинг ҳолидан хабар олиш мақсадида уйига бордим. У ўзида йўқ хурсанд эди. «Ха, ака, тинчликми ўзи?» деган саволимга кўзида ёш билан «Ўғлим олий ўқув юртига гранта ўқишга кирди», деб жавоб берди. Унинг айтишича, фарзанди Тошкентдаги Саъди Сирожидинов номли академик лицейда таълим олган экан. Шу суҳбатдан сўнг, менда машҳур илм маскани фаолияти билан танишиш иштиёқи пайдо бўлди.

Яқинда ушбу даргоҳга бордим. Директор Каҳрамон Ибодуллаевнинг айтишига қараганда, илм даргоҳи 1970 йилда ЎзРФА академияси, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, улуг математик олим, марҳум

Саъди Сирожидинов ташаббуси билан ташкил қилинган. 1990 йилдан билим маскани олим номи билан аталади, ўша йилдан бошлаб ЎзМУ қошида фаолият кўрсатмоқда. 1998 йилда эса академик лицей мақоми берилган.

Энг аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу ўқув даргоҳидан хозирга қадар ўзбек илм-фани ривожини йўлида меҳнат қилаётган беш юзга яқин фан номзодлари, 30 нафардан зиёд фан докторлари етишиб чиққан.

— Академик лицейимизда 826 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда, — дейди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Мархаббо ИСЛОМОВА. — Уларга 1 нафар фан доктори, 7 нафар фан номзоди, 34 нафар олий тоифали ўқитувчи илм-фан сирларини ўргатмоқда. Лицейимизда ёшлар 4 та

йўналишда (аниқ, аниқ иқтисод, табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар) тахсил олишади. — Мен ўқув даргоҳи ташкил этилгандан бери ёшларга тарих фанидан сабоқ бераман, — дейди Тўлқин ШОКИРОВ. — Лицейимизда таълим олаётган ўқувчиларнинг деярли барчасида ўқишга, китобга бўлган муносабат бошқача. Мен бу ерда таътил пайтида уйга кетмай китоб ўқиб, олий ўқув юртиларига тайёрланган болаларни кўп кўраман.

Бунга ғувох бўлган ҳар қандай ўқитувчи жўшиб ишлаши аниқ. Мустақиллик туғайли истейоддоли ёшлар сафи кенгайди. Бунинг асосий сабаби шарт-шароит зўр, таълим тизимига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўқитувчи меҳнати қар топмоқда. — 1983-1986 йилларда мен ҳам хозир бизда ишлаётган кўп ўқитувчилар қатори шу ерда тахсил олганман, — дейди физика-математика фанлари номзоди, доцент Баҳром ШЕРФОВ.

ЗИЕВ. — Етуқ домларимиз зўр билим берганликкури туфайли Новосибирск давлат университетига ўқишга кирдим. Уни тамомлаган, шу масқанда ёшларга сабоқ бермоқдаман.

— Асли Сурхондарё вилоятининг Денов туманиданман, — дейди 3-курс ўқувчиси Ўғил РАҲМОНОВА. — Мен илк бор лицейга олам ўқийтган пайтада унга ҳамроҳ бўлиб келгандим. Ўшанда бу ерда ўқишни ниёт қилгандим. Бугун мана орзуимга етдим.

Тўғриси, ўтган йиллар давомида лицейнинг нуфузи бироз тушгандай бўлди. Лекин бугун фидоий ва аҳил жамоа билим даргоҳининг шухратини тиклаш, қадрлар салоҳиятини кўтариш йўлида ҳамжихатликда ҳаракат қилмоқда.

Маъмуржон МАҲМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: академик лицейнинг бир гуруҳ ёш ўқитувчи ва мураббийлари; она тили ва адабиёт ўқитувчиси Ирода Қудратова дарс пайтида.



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ТОКИОДА ТАНТАНАЛИ КЕЧА

Япония пойтахтида Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

Маросимда Япониянинг нуфузли сиёсий ва жамоат арбоблари, йирик фирма ва компаниялар раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ҳамда дипломатия корпусининг вакиллари иштирок этди. Кечанда хозир бўлган меҳмон орасида, жумладан, Япониянинг собиқ бош вазирини Ёширо Мори, маъмурий ислохотлар вазири Коки Чума, атроф-муҳит муҳофазаси вазири Юрико Коичи, мамлакат ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Акико Яманакэ, Сиё Тарақийёт банкининг собиқ президенти Тадао Чино, Япония — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик кўмитаси раиси Нобую Охаси, «Япония — Ўзбекистон» дўстлик жамияти аъзоси, яқинда Япония либерал-демократик партиясининг президенти ва мамлакат бош вазири этиб сайланган Шиндзо Абэнинг ра-

фиқаси Ақие Абэ хоним бор эди. Маросимда сўзга чиққан Абэ хоним ўз турмуш ўртиниқинг номидан Ўзбекистон халқини мустақилликнинг 15 йиллигига қутлади. Япония бош вазири Шиндзо Абэ Ўзбекистонга улкан ҳурмат-эътибор билан қарашини таъкидлаган экан, Ақие Абэ хоним Япония ҳукумати раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар жадаллик билан ривожланиётганидан мамнун эканини қайд этди.

Абэ хоним бош вазир Шиндзо Абэнинг маросим муносабати билан йўллаган мактубини ўқиб эшиттирди. Унда, жумладан, кўйидаги сўзлар ўз ифодасини топган: «Халқларимиз қадимий даврлардан буюн Буюк ипак йўли воситасида ўзаро ҳамкорлик қилиб келишган. Япония Иккинчи жаҳон урушидан

хилоф қилувчи қатор ҳужжатли ва илмий-оммабоқ фильмлар намойиш этилди. Меҳмонларда, шунингдек, юртимизнинг сайёҳлик салоҳияти, қадимий шаҳарларимиз — Самарқанд, Бухоро, Хивага бағишланган ахборот маълумотлари ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Шу ернинг ўзиде ташкил этилган миллий ўнармандчилик ва халқ амалий санъати намуналарининг кўргазмаси, унда намойиш этилган сопол бўюмлар, миллий чолу асбoblари, сўзаналар, атласу ад-расдан тикилган либослар япониялик дўстларимизга ўзбек халқининг бетакрор маданий анъаналаридан баҳраманд бўлиш имконини берди.

Акма КўЧҚОРОВ, «Жаҳон» АА мухбири, Токио

ЎзХДП ҳаёти УСТОЗЛАРГА ТАЪЗИМ

ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кун муносабати билан «Агар ҳаёт бўстон бўлса, бобон муаллим...» мавзусида давра суҳбати ўтқазди. Унда қадим Самарқандда олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, илму фан тараққиёти йўлида ташланаётган дадил қадимлар ва бунда устоз ҳамда мураббийларнинг роли, машаққатли меҳнатлари ҳақида фикр-мулоҳазалар айtilди.

Тадбирда иштирок этган бир гуруҳ устоз ва мураббийларга ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Қасб байрамимиз арафасида биз устоз ва мураббийларга кўрсатилаётган ушбу эхтиром, эътибордан жуда бахтирмиз, — дейди Самарқанд шаҳар 6-сон меҳрибонлик уйи директори, ЎзХДП аъзоси Зухра Раҳимова. — Бундай тадбирларни ўтқазмоқчи партияимиз Самарқанд шаҳар кенгаши ўз фаоллари орқали халқимиз орасига янада чуқурроқ кириб боришига ишончимиз комил.

Шухрат ҚАРШИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, унинг ошқоралиги ва барқарор фаолиятини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш, ҳўжалик юртуручи субъектлар томонидан инвестициялар жалб этилишини фаолаштириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруви такомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ҳўқуқлари ҳўма қилинишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги акциядорлик компаниялари ҳамда фонд тузилмалари билан бирга қилган ишлаб чиққан 2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш дастури иловага мувофиқ маълумланган, унда кўйидаги чора-тадбирлар назарда тутилган:

а) қимматли қоғозлар иккиламчи бозори миқёсларини жадал ривожлантириш ва кенгайтириш;

б) қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини шакллантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

в) акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруви тизимини такомиллаштириш;

г) қимматли қоғозлар бозори учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилишни яхшилаш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ижро этувчи вазирликлари ва идоралар билан бирга қилган Дастурдаги чора-тадбирлар белги-ланган муддатларда сўзсиз ба-жарилишини таъминласин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда корпоратив облигациялар чиқариш фақат оқик турдаги акциядорлик жамиятлари томонидан:

а) облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилин-

ган кунга аудитор ташкilotининг ҳўлосаси билан тасдиқланган ўз шахсий капитали миқдори доирасида;

б) кейинги уч йил ичиде рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидлик жиҳатидан ижобий кўрсаткичларга эга бўлган, аудитор ташкilotининг ҳўлосалари билан тасдиқланган, шунингдек мустақил рейтинг баҳосини олган ОАЖлар;

в) эмитентлар томонидан инвесторларга тегишли маблағларни тўлаш бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банкларининг иштирокида амалга оширилади.

3. Қўйидагилар белгилансин: акциядорлик жамиятининг ҳар йилги бизнес-режаси келгуси молия йилининг 1 декабрдан кечиктирмай кузатуви кенгаш мажлисида маълумлангани лозим;

а) акциядорлик жамиятларининг кузатуви кенгашлари қонунда белгиланган корпоратив бошқаруу нормаларига риоя этиш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишларида ҳар йили ҳисобот берадилар;

б) 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан кўпроқ бўлган корхоналарда кузатуви кенгашлар томонидан тайинланадиган ва уларга ҳисобот берадиган ички аудит хизматлари ташкил этилади;

в) устоз капиталда давлат акциялари (пулушлари) пакети 50 фоиздан ортик бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказиш учун аудитор ташкilotини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади.

4. Солиқ кодексиде белгиланган тартибнинг амал қилиши депозитлари хизматлари ва қимматли қоғозлар савдосини ташкил қилиш хизматлари тадбиқ этилсин, унга мувофиқ қимматли қоғозлар айланishi

бўйича операциялар қўшилган қиймат солигидан озод қилинади.

5. Белгилансинки, 2006 йилнинг 1 октябрдан бошлаб:

а) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устоз капиталини оширишга йўналтириш де акциядорлар кўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзиде олган даромадлари солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди;

б) қимматли қоғозлар бозориде брокерлик (воточачилик) фаолиятини амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар ялпи даромадининг 10 фоизи миқдориде ставка бўйича ягона солиқ тўлайдилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банки билан бирга қилган 2007 йилнинг 1 январига ҳа Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни лоийҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда қимматли қоғозлар бозори бўйича амалдаги қонун ҳужжатларининг қондаларини халқаро стандартларга мувофиқ унификациялаш ва такомиллаштириш назарда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат мулки кўмитаси, Молия вазирлиги, Бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралар билан бирга қилган бир ой муддатда:

а) қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақдирлар киритсин;

б) вазирликлари ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 27 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

26-27 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақдир этилган қонун тартибининг тасдиқландилар.

Учинчи ўқишда тақдим этилган «Давлат боғжона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лоийҳаси тўғрисида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Ш.Тешаев ахборот берди. Мазкур ҳужжат киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда қўриб чиқилганидан кейин Қонун қабул қилинди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Маматов иккинчи ўқишда киритилган «Муаллимлик ҳўқуқи ва турдош ҳўқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролар кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лоийҳасини тақдим этди. Депутатлар қонун ҳужжатини модда-модда қўриб чиқиб жараёнида уни такомиллаштириш юзасидан қатор фикр-мулоҳаз ва тақдирлар баён этдилар. Қонун лоийҳаси киритилган тақдирлар ҳисобга олинган ҳолда иккинчи ўқишда қабул қилинди.

«Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жинойтларга, жиний даромадларини легаллаштиришга қарши курашиш қўлайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лоийҳасини Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Р.Зарипова тақдим этди. Модда-модда мўҳомадан кейин Қонунчилик палатаси киритилган тақдирларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг аъзоси М.Йўлдошев иккинчи ўқишда мўҳомада бўлиб ўтган мўҳома жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқиб, қонун ҳужжатини такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини бил-

дирдилар. Киритилган тақдирларни ҳисобга олган ҳолда қонун лоийҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Иккинчи ўқишда мўҳомада киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лоийҳаси тўғрисида Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Жумаев ахборот берди. Бўлиб ўтган савол-жавоблар ва модда-модда мўҳомадан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-И-сонли Қарорига 1-иловага қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лоийҳасини Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раисининг ўринбосари У.Вафоев тақдим этди. Мўҳомадан сўнг депутатлар қонун лоийҳасининг асосий қондаларини маълумладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитаси аъзоси М.Маҳаметова «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қонун лоийҳаси ҳақида ахборот берди. Тақдим этилган ҳўжжат ҳақида барча сиёсий партиялар фракциялари вакилларининг фикр-мулоҳазалари эшитилди. Савол-жавоблардан кейин депутатлар қонун лоийҳасининг концепциясини маълумлаш, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Ахборотлаштириш ва маълумотларни узатиш соҳасида содир этилган қўриш хилоф ҳаракатлар учун жавобгарлик қўлайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лоийҳасини Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Тўхташев тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин мажлис ҳўжжат атрофида мўҳома этилиб, Қонунчилик палатаси қонун лоийҳасининг асосий қондаларини маълумлади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди. (ЎЗА)

O'zbekiston havo yo'lari

TOSHKENT

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK

SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26

www.uzpbb.uz E-mail: info@uzpbb.uz

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKDORGA HANKORI!

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74

WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tpe.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятингиз учун!

ПАХТА БАНК — ФАРОВОНЛИГНИНГ КАЛИТИДИР

Хизматлар лицензияланган

«KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»
ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

2006 йил, 26 октябрь ва 2,9 ноябрь кунлари соат 11.00да республика Кўчаси бижмас биржаси биносидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги объектлар қўйилади:

- Тошкент вилояти Хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Чиноз матлубот» МЧЖ балансидаги:
1. Идора биноси (Чиноз тум., Пахта маркази). Бошланғич баҳоси — 5 847 566 сўм.
2. 1-сон дўкон (Чиноз тум., Олмазор кўрғони, Самарқанд кўч.)
3. 7-сонли дўкон (Чиноз тум., Йул-тушкан ҚФЙ). Бошланғич баҳоси — 3 857 566 сўм.
4. 9-сонли дўкон (Чиноз тум., Йул-тушкан ҚФЙ). Бошланғич баҳоси — 2 687 358 сўм.
5. 11-сонли дўкон (Чиноз тум., Чиноз ҚФЙ, Сутбулок бўлими).
6. 18-сонли дўкон (Чиноз тум., Туркистон ҚФЙ, С.Раҳимов ш/х).
7. 19-сонли дўкон (Чиноз тум., Иттифок ҚФЙ).
8. 20-сонли дўкон (Чиноз тум., Иттифок ҚФЙ).
9. 21-сонли дўкон (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙ).
10. 23-сонли дўкон (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙ).
11. 22-сонли дўкон (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙ).
12. 25-сонли дўкон (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙ, Т.Охунова ш/х).
13. 26-сонли дўкон (Чиноз тум., Ислохот ҚФЙ).
14. 27-сонли дўкон (Чиноз тум., Ислохот ҚФЙ).
15. 30-сонли дўкон (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙ, А.Темир ш/х).
16. 35-сонли дўкон (Чиноз тум., Эшонбод ш/х).
17. 31-сонли дўкон (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙ, А.Темир ш/х).
18. 24-сонли дўкон (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙ).
19. 16-сонли дўкон (Чиноз тум., Туркистон ҚФЙ).
20. 29-сонли дўкон (Чиноз тум., Ислохот ҚФЙ, Навоий ш/х).
Бошланғич баҳоси — 1 911 086 сўм.
21. 32-сонли дўкон (Чиноз тум., Эски Тошкент ҚФЙ).
Бошланғич баҳоси — 4 196 201 сўм.
22. 17-сонли дўкон (Чиноз тум., Олмазор кўр).
Бошланғич баҳоси — 3 615 255 сўм.
Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланганидан 1 соат олдин тўхтайтилади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закат пули тўлаши шарт.
Заказат пули «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси Миллий банк Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000304265383003, КОД-00876; СТИР 204563716 ўтказилади.
Қўшимча маълумотлар учун «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»га мурожаат қилишингиз мумкин.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Урозов бив кўчаси, 1-А-уй, республика Кўчаси мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.
Маълумот учун тел/факс: 399-80-23.

Қурилиш ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2007 йилда Жиззах вилоятида қурилиш мўлжалланган қуйидаги касб-хунар коллежларига танлов савдоларида қатнашиш учун қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш билан очик танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Table with 3 columns: T.p, Object name, Area (sq.m). Lists 7 construction projects for vocational colleges in various districts of the Jizzakh region.

Қурилиш ишларини молиялаштириш вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Дастлабки малакани олдиндан аниқлаш танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

Ишлаб чиқариш базаси, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўхшаш объектларни куриш бўйича тажрибага эга бўлишлари, шу вақтгача ўз кучи билан бажарган ҳамда танлов савдосига қўйилган объекта ўз кучи билан бажаришни режалаштирган ишлар ҳажми тўғрисида маълумот (фоиз ҳисобида) беришлари ва 2004-2006 йилларда ўз кучи билан 1 миллиард сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарган бўлишлари керак.

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тузатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулк хатлаб қўйилган талабдорлар ҳамда таъсис этиш ақлари, молиявий иштирок, холдинг ёки бошқа шаклларида ифода этилган бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотлар танлов савдолари тартиботларида иштирок этишига қўйилмайди.

Танлов тақлифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар танлов савдолари иштирокчиси учун қўлланмаларда акс эттирилади.

Қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқ-

лаш танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини танлов ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилиш-да танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказидан қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона, соат 9.00 дан 18.00 гача.

Телефон/факс: (8-372) 226-14-66, 226-70-47.

1 пакет ҳужжатларининг нархи — 10 000 сўм.

Малакасини олдиндан аниқлаш танлов ҳужжатларини шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг берилади. Малакасини олдиндан аниқлаш бўйича топширилган ҳужжатлар қуйидаги манзилда очилади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар зали. Танловдан (иккинчи босқичга) ўтган оферентлар учун танлов II пакет ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 50 000 (элик минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этилиши охири мuddати — оферталар очилиш кўни ва соати.

Тақлифлар очилиши (иккинчи босқич) матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар залида ўтказилади.

Изоҳ: 2007 йил манзилли рўйхат тасдиқлангандан сўнг унга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Маълумки, мамлакатимизда ўйинчоқлар ишлаб чиқарадиган «Тошўйинчок» фабрикаси бор эди. «Бор эди» дейишимизга сабаб у бугун йўқ. Негаки, бозор иқтисодиёти талаблари шифатсиз, тинмай излангани, уқувни, саъй-ҳаракатни талаб этади.

Тожибоев билан учрашишга ҳаракат қилдик, бироқ уринишларимиз бесамар кетди. Тошкент шаҳар уй-жой, бинолардан фойдаланиш департаменти ҳудудий бошқармасининг Собир Раҳимов туман бўлимидаги мутасаддилар ҳам «бино бизда-ю, аммо муаммосини шаҳардан сўранг» дея ўзидан соқит қилишди. Собир Раҳимов туманидаги

узоққа бориб ишлашга имконияти йўқ ёшлар учун янги иш ўринлари очиларди, уларнинг оиласи иқтисодий ҳимояланарди. Эсимда бор, «Тошўйинчок» миллий, чиройли, бежирим, турли-туман ўйинчоқлар ишлаб чиқарарди, нархиям арзон, асосийси ўзиниқимни эди-да. «Зумрад ва Қўним», «Хўжа Насриддин» ўйинчоғини қизларимга олиб

етақлайди-ку. Ёки «Барби» қўйинчоғини олинг, унинг «фиэиономияси» ёш боланинг онгини захарлашга олиб келмайдими? Саида ҚОРАБОЕВА, уй бекаси.

ТАРБИЯ ВОСИТАСИДИР

ЁКИ ДЎКОНЛАРДА СОТИЛАЁТГАН БУГУНГИ ЎЙИНЧОҚЛАР НАРХ-НАВОСИ ВА УЛАРНИНГ БОЛАЛАРИМИЗ СОҒЛИГИ, МАЪНАВИЙ ДУНЁСИ, ТАФАККУРИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ЭТАЁТГАНИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

сарияти мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар тўғрисида аниқлашга тўғрисида, қаддини ростилаб олди. Бирок, «Тошўйинчок» фабрикаси... Дастлаб у «Семурғ» акциядорлик жамиятига айлантирилди, сўнгра турли хил ташкилотлар тасарруфига ўтиб, охири-оқибат фаолиятини тўхтатди. Қўлдан-қўлга ўтавергани бос улкан қувватга эга бўлган дастгоҳлар, ишлаб чиқариш ускуналари йўқ бўлиб кетди. Бугун каттагон бино ҳувиллаб, қаровсиз аҳволда ётди. Биз масаллага оидлик киритиш учун «Семурғ» фирмаси директори Фарход

«Иброҳим ота» маҳалласи собиқ «Тошўйинчок» фабрикаси атрофига жойлашган. Қизқиндик, фабриканинг тугаб кетиши аҳолининг иқтисодий турмуш-тарзига қандай таъсир этди? Муҳаррам ТОШПҲАТОВА, маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар кўмитаси раиси: — Маҳалламизда 3393 нафар аҳоли яшайди, шундан 1280 нафар хотин-қизлар. Тўғриси, аввалларимиз орасида ишқизиқ муаммоси бор. Бир вақтлар шу «Тошўйинчок» фабрикасида 1500 нафардан ортиқ киши иш билан банд бўлган. Агар фабрика яна ишга тушса, кўп болали оилалар,

бергандим. Болалиқда улар Зумрадга ўхшашни бирам иста-шардик, бу ўйинчоқларни ҳозир ҳам асраб қўйганм.

Малика МИРЗАКАРИМОВА, маҳалла фуқаролар йиғини котиби: — Мени эса ўғил болаларимизга фақат ёвузликни тарғиб қилувчи «Ринжер», «Жангари», «Бэтмен», «Паук» ёки каттақон «автомат», «Пистолет», умуман, отишни, ўлдирини тарғиб қиларди диган ўйинчоқлар ташвишга солади. «Интернет» клубларнинг аксариятида жангари ўйинлар болаларни ўзига жалб этмоқда. Бу ахир уларни ваҳшийликка

Қурилиш ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2007 йилда Жиззах вилоятида қурилиш ишлари олиб бориладиган умумтаълим мактабларига танлов савдоларида қатнашиш учун қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш билан очик танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Large table with 5 columns: No, District name, Lot number, Area, and Bid type. Lists 30 construction lots for schools across various districts of the Jizzakh region.

Қурилиш ишларини молиялаштириш вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Дастлабки малакани олдиндан аниқлаш танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

Ишлаб чиқариш базаси, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўхшаш объектларни куриш бўйича тажрибага эга бўлишлари, шу вақтгача ўз кучи билан бажарган ҳамда танлов савдосига қўйилган объекта ўз кучи билан бажаришни режалаштирган ишлар ҳажми тўғрисида маълумот (фоиз ҳисобида) беришлари ва 2004-2006 йилларда ўз кучи билан 500 млн. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарган бўлишлари керак.

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тузатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулк хатлаб қўйилган талабдорлар ҳамда таъсис этиш ақлари, молиявий иштирок, холдинг ёки бошқа шаклларида ифода этилган бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотлар танлов савдолари тартиботларида иштирок этишига қўйилмайди.

Танлов тақлифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар танлов савдолари иштирокчиси учун қўлланмаларда акс эттирилган.

Қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини танлов ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказидан қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона, соат 9.00 дан 18.00 гача.

Телефон/факс: (8-372) 226-14-66, 226-70-47.

1 пакет ҳужжатларининг нархи — 10 000 сўм.

Малакасини олдиндан аниқлаш танлов ҳужжатлари шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг берилади. Малакасини олдиндан аниқлаш бўйича топширилган ҳужжатлар қуйидаги манзилда очилади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар зали. Танловдан (иккинчи босқичга) ўтган оферентлар учун танлов II пакет ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 50 000 (элик минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этилиши охири мuddати — оферталар очилиш кўни ва соати.

Тақлифлар очилиши (иккинчи босқич) матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар залида ўтказилади.

Изоҳ: 2007 йил манзилли рўйхат тасдиқлангандан сўнг унга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

• Она ер тухфаси

ПАРКЕНТ УЗУМИ

ёки мамлакатимиз саховатли заминининг яна бир мўжизаси ҳақида

Ўлкамизда куз фасли ҳукмрон. Бугун бодобеҳон пешона терининг меvasи бўлган сархил олмаю узумлар, шафтолию анжирлар, тилими тилини ёрар қовуну тарвузлар бозорларимиздан тортиб, ҳар бир оила дастурхонининг кўрки-тароватига айланган. Пойтахт бозорларида қўли-қўлига тегмай савдо қилаётганлар ўз махсулоти олдига «Паркентники» деган сўзни қўшиб айтишади. Бунинг сабаби оддий — бугун мамлакатимизнинг энг сўлим гушаларидан бири бўлган Паркентнинг сара мевалари доврғи нафақат юртимизда, балки қўшни ўлкаларда ҳам маълум ва машҳур.

Айниқса, ўзининг ноёб узумлари билан донг таратган тоғолди қишлоғи — Заркентда етиштирилётган мевалар ҳар қандай кишини ҳайратлантириши табиий. Катта йўлнинг икки томонидаги дид билан кўтарилган, тоқзорлар бобону соҳибкорларнинг фидойи меҳнатидан далолат беради. Уларнинг моҳирона изланишлари ту-

файли сув чикариш мушкул бўлган бу даштлар ҳам ям-яшил кенгликка айланган.

— Қишлоқдаги узумзор боғлар Ўзбекистон Қаҳрамони, марҳум Тоживой Ризаевнинг «Заркент»га раҳбарлик қилган йиллари ташкил этилганди, — дейди 86 ёшли уруш ва меҳнат фахрийси Ҳабиб Исмаилов. — Ушанда аввал олма, нок жийда қўчатлари экилганди. Кейин хўрақидан тортиб Европанинг винобоп узумлари ҳам қўлайтирдик. Ҳозир қишлоқдаги жами узумзорлар минг гектардан ошади.

— Ривоятларда айтилишича, қадимда узум бу ерларга Хитойдан кириб келган экан, — дейди фермер Нағрип Уромонов. — Лекин ҳозирги кунда бизнинг узумларимиз четникидан яхши бўлса яхшики, асло кам эмас. Шу жойларнинг ўзида узумнинг камида 33 хилдан зиёд нави бор. Фермер ҳўжалигимизда эса йилгирмадан зиёд тури етиштирилади. Хўраки узумларга «Ризамат ота», «Кишмиш», «Соҳиб», «Қосаки», «Кат-



такўрғон», «Сояки», «Буваки», «Чиллаки», «Чарос», «Ҳасайни», «Ҳусайни» навларини, винобоғларига эса «Кабарни», «Пино», «Хиндонги», «Баянширин», «Мскат», «Гўлжин» кабиларни киритиш мумкин. Лекин афсуски, кейинги йилларда баъзи узум навлари хари-дордир эмаслиги ва узок сакланмаслиги боис камайиб кетмоқда. Сизга бир сирни атай. Узум асли сувсиз, қуруқ ерларни яхши кўради. Паркент географик жиҳатдан тоғли минтақа бўлгани боис бу ерларнинг табиати унга тўла мос келади. Шамол тегиб турган даштларда пишган узум биринчидан мазали, иккинчидан йўлга ва узок муддатга чидамли бўлади. Паркентлик уста боғбонларнинг энг катта ютуғи ҳам шунда.

Бугун паркентлик деҳқонлар республикамиздан ташқарига ҳам узум, олма, гилос, шафтоли, олхўри, нок каби сархил мевалар етказиб берадилар.

— Кейинги йилларда заркентликларнинг кўкрагига шамол, ел-

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТИ (UZB-20) ИШТИРОКИДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ ҚУРИШ ВА ЖИҲОЗЛАШ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАНЛОВГА МУРОЖААТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЭЪЛОН

Ислом тараққиёт банки томонидан «Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш» лойиҳасини амалга ошириш ҳамда молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига имтиёзли кредит ажратилган бўлиб, ушбу маблағнинг маълум бир қисми консалтинг хизматлари учун режалаштирилган. Шу муносабат билан лойиҳани амалга ошириш гуруҳи барча консалтинг фирмаларини танловда қатнашишга таклиф этади.

Лойиҳа мақсади:
Ўзбекистон Республикасининг турли ҳудудларида, асосан қишлоқ жойларида, янги мактаб қуриш ва жиҳозлаш орқали таълим сифати даражасини ошириш, ҳамда ўз ҳиссасини қўшиш лойиҳасининг мақсадларидандир. Ушбу лойиҳанинг истиқбол режаси таълим тизимини ислоҳ қилишда иштирок этиши, жасдон ҳамжамиятига кириши ва мустақкам иқтисодий ривожланишининг зарур шарт-шароити деб қарайди. Лойиҳа томонидан замонавий мактаб биноларини қуриш ва уларни зарур асбоб-ускуналар, ўқув лаборатория жиҳозлари ҳамда мебеллар билан таъминлашда иштирок этиши орқали таълим самарадорлигини ривожлантиришда ҳисса қўшиши кўзда тутилган. Ижроий Агентлик (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги) тегишли масъул техник консалтинг-фирма билан биргаликда Ижроия Агентликка лойиҳани амалга оширишда ёрдам бериш учун халқаро консалтинг фирмасини танлов ёрдами мақсадида танлов асосида тендер ўтказилади.

Консалтинг хизматлари:
Консалтинг фирмаси мактабларнинг стандарт лойиҳаларини қўриб чиқиши, жиҳозлаш ва мебелларнинг техник параметрларини тайёрлаш бўйича ёрдам кўрсатиши, танлов ҳужжатларини қўриб чиқиши, қурилиш бўйича ўтказиладиган танлов жараёнида иштирок этиши, лойиҳа шартномаларини тайёрлаш, лойиҳани амалга ошириш борасида эришилган натижалар бўйича ойлик, чорак ва йиллик ҳисоботларни тайёрлаш каби хизматларни кўрсатиши. Танланган консалтинг томонидан лойиҳа якуни бўйича ҳисобот лойиҳа якунидан сўнг уч ой давомида тақдим этилиши лозим.

Лойиҳа учун консалтинг хизматлари Ислом тараққиёт банкнинг танлов шартлари бўйича халқаро танлов асосида қисқа рўйхатга киритилган Ислом тараққиёт банкига аҳоли давлатларнинг эътиборга сазовор бўлган консалтинг фирмалар танланади. Консалтинг фирмалар лойиҳалаштириш, қурилиш устидан назорат қилиш ва мактабларни жиҳозлаш бўйича тажрибага эга бўлиши шарт. Танловда иштирок этиши бўйича муружаатлар 2006 йил 16 октябрь соат 11.00 га қадар муҳрланган конвертда қўйидаги манзилга — «Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш» лойиҳасининг танловда иштирок этиши учун муружаатнома» белгиси билан тақдим этилиши лозим.

Белгиланган муддатдан сўнг тақдим этилган муружаатномалар қабул қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Телефон: (998-71) 139-17-60 — Д.Фаязов (лоийха менеждери). Факс: (998-71) 139-19-55
Манзил: 700027, Тошкент ш., Ўзбекистон кўчаси, 80-уй.

• Спорт

«НАСАФ» МАВҚЕИНИ САҚЛАБ ҚОЛАРМИКИН?

Футбол бўйича Ўзбекистон XV миллий чемпионати олий лига жамоалари 25-тур учрашувларини ўтказди. «Бухоро» — «Металлург» баҳсидан ташқари барча ўйинларда голиблар аниқланди. Шунингдек, маъруз тур голларга бой бўлганлиги билан ҳам муҳлислар ёдида қолди.

Чемпионат ҳадвалида «Пахтакор» футболчилари пешқадамлик қилаётган бўлса, иккинчи ўрин учун «Насаф» ва «Нефтчи» жамоалари жиддий курашга киришган. Шу боис, охириги турда бу жамоалар иштирокида ўтган ўйинлар кўпчилигининг эътиборини тортди.

Сарбосининг «Тўпаланг» футболчилари билан куч синашган қаршиликлар катта кўйинчилик билан галаба қозониб, муҳим уч оч-

кони ўз ҳисобларига ёзиб қўйишди — 3:2. «Нефтчи» жамоаси эса Урганчда мавсум аутсайдер «Хоразми» йирик ҳисобда мағлубиятга учратди — 2:8. Шу ўйинда фарғоналик ҳўжумчи Носир Отқўзиёв рақиб дарвозасини беш мартаба аниқ нишонга олди.

Тошкентда ўтган «Пахтакор» — «Локомотив» жамоалари учрашувида ҳам йирик ҳисоб қайд қилинди — 7:1.

Турнинг қолган ўйинлари қуйидагича якунланди: «Андижон-ЎзДЭУавт» — «Сўғдиёна-2004» — 2:0, «Навбахор-Н» — «Шўртан» — 3:2, «Кизилқум-Олтин» — «Трактор» — 2:3, «Бухоро» — «Металлург» — 0:0, «Машъал» — «Самарқанд-Д» — 4:1.

Навбатдаги тур баҳслари 29-30 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузурдаги «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси

2006 йилнинг 31 сентябрь, 7, 10, 14, 17, 21, 24, 28 ноябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказиши

Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудига жойлашган яхша тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларининг мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

Мирзо Улугбек тумани, Олтинтепа кўчасида, сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 2 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 2 232 000 сўм, майдони 0,02 гектар бўлган 1 та ер участкаси, бошланғич нархи — 1 116 000 сўм.**

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархининг 10%

микродорида закалат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Муружаат учун телефон: 133-23-40. **Гувоҳнома № 000815**

Барча манфаатдор бўлган жисмоний ва юридик шахслар ДИҚҚАТИГА!

«Belgim» МЧЖ қатнашчиларининг 2006 йил 10 июлда ўтказилган умумий йиғилиш қарорига биноан, «Belgim» очиқ акциядорлик жамияти ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятга қайта ташкил этиш йўли билан ўзгартириши сабабли, «Belgim» ОАЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари «Belgim» МЧЖга ўтишини маълум қилади.

Намангандаги «САРДОБА БОЗОРИ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

келажак авлодга таълим-тарбия берувчи азизу муҳтарам ўқитувчи ва мураббийларни

1 октябрь — Умумхалқ байрами билан қизгин муборакбод этади!

Фарзандларимиз келажакнинг муносиб ворислари бўлиб камол топишлари йўлидаги заҳматли фаолиятида куч-қувват, улкан ютуқлар тилайди, юзингизни нур, қалбингизни гурур, ҳаётингизни сурур асло тарк этмасин!



«Сардоба бозори» МЧЖ маъмурияти.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Baxtiyor DO'SJONOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul MUSTANOVI
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Nomoz SA'DULLAYEV
Akbar JONUZOVQOV
Muslihidin MUHIDDINOV
Olim MIRODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLARI:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot
133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat
133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-76-21
Ekologiya va salomatlik
133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib
133-72-83
Reklama va o'lonlar
133-38-55, 133-47-80
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-22-32
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-15
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Termizda —
3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ibrohim ISMOILOV
Sobirjon TUNG'ATOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi.
Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat fabrikariyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
T — 1150
7474 nuxxada bosiladi
t — Tuzilgan material
O'zA yakuni — 20:00
Topshirish vaqti — 11.00
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda